

Қ А Р О Р

2025 йил июль ойининг 22 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи тергов судьяси М.Хасанова, судья ёрдамчиси Ш.Рахимованинг суд мажлиси котибалигида, Б.Мирзаев таржимонлигида,

1985 йил 20 июнь куни Қирғизистон Республикасида туғилган, миллати рус, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Қирғизистон Республикаси, Бишкек шаҳри, Боконбаева кўчаси, 192-уй, 22-хонадонда истиқомат қилувчи

Новомлинский Дмитрий Андреевичга

нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати юзасидан 3-1011-2502/4547-сонли маъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2025 йил 21 июль куни “Ислом Каримов” номидаги “Тошкент халқаро аэропорти”нинг учиб келиш йўналишида “Москва-Тошкент” рейси билан учиб келаётган Д.Новомлинский ҳаво кемаси бортида маст бўла туриб, ўзи билан битта бортда кетаётган йўловчи Л.Маненковага шахвоний шилқимлик қилиб, Л.Маненкованинг шаъни ва қадр қимматини таҳқирлаб, кўкракларига тегинганлиги, шимини ечиб жинсий аъзосини чиқарганлигини, Д.Новомлинскийга бу ҳаракатларини тўхтатишини ва ўзини тўғри тутиши кераклигини айтишига қарамасдан, у ўз ҳаракатларини давом эттириб, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этганлиги яъни шахвоний шилқимлик қилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида Д.Новомлинский ўз кўрсатувида, ҳуқуқбузарликни тан олиб, 2025 йил 21 июль куни “Москва-Тошкент” рейси билан Тошкент шаҳрига учганлигини, ўша куни 3 бакал пиво ичганлиги сабабли спиртли ичимлик таъсирида бўлганлигини, парвоз вақтида ўзини билмасдан ўзи билан битта бортда кетаётган йўловчи Л.Маненковани кўкракларига тегиниб, шимини ечиб жинсий аъзосини чиқариб унга тегинганлигини, буни билиб туриб қилмаганлигини, маст бўлганлиги сабабли ҳаракатларини оқибатини тушунмаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, бошқа бу ҳолат такрорланмаслигини, кечирим сўраганлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида ВКА орқали сўралган жабрланувчи Л.Маненкова ўз кўрсатувида, 2025 йил 21 июль куни “Москва-Тошкент” рейси билан учганлигини, ҳаво кемаси бортида Д.Новомлинский унга шилқимлик



қилиб, унинг жинсий аъолари яъни кўкракларига тегинганлигини, ҳар хил шахвоний шилқимлик қилиб, унинг кўкракларидан бир неча бор ушлаб тегажонлик қилганлигини, шимини ечиб жинсий аъзосини чиқарганлигини, ўзини тўғри тутушини айтишига қарамасдан ҳаракатини давом эттирганлигини маълум қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Суд мажлисида сўлган гувоҳ К.Тилыева, “Uzbekistan Airways” АЖда борткузатувчи бўлиб ишлашини, 2025 йил 21 июль куни “Москва-Тошкент” рейси билан учиб келаётган йўловчиларга хизмат кўрсатаётган вақтида йўловчи Д.Новомлинский спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бўла туриб, йўловчи Л.Маненковага шахвоний шилқимлик қилиб, унинг кўкракларига бир неча бор тегинганлигини, шимини ечиб жинсий аъзосини чиқарганлигини, ўзини тўғри тутиши кераклигини айтишига қарамасдан ҳаракатларини давом эттирганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд, Д.Новомлинский мазкур ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги, ички ишлар ходимининг билдиргиси, тушунтириш хатлари, Л.Маненковани аризаси, суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлар ва иш материалларида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, Д.Новомлинскийнинг “Шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр қимматини таҳқирлайдиган тегинишда, чақиришда ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этганлик”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Д.Новомлинскийга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, чет эл фуқароси эканлигини, ҳуқуқбузарлик хусусиятини, оилавий аҳволини, айбдорлик даражасини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, унга айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, 2017 йил 9 январдаги 420-сонли Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси 3-қисмига асосан маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахсини ҳисобга олиб, маъмурий қамоққа олинган шахсни сақлаш харажатларидан озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1, 245, 309, 310-моддаларига риоя қилиб, суд



ҚАРОР ҚИЛДИ:

Новомлинский Дмитрий Андреевич Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

Д.Новомлинскийга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Новомлинский Дмитрий Андреевичга жазо ўташ муддати 2025 йил 22 июль куни соат 14:00 дан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Новомлинский маъмурий қамоқда сақлаш харажатларидан озод қилинсин.

Қарордан норози тарафлар, қарор ўқиб эшиттирилган кундан, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи қарор нусхасини олган кундан ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жинойт ишлари бўйича судига апелляция тартибида, апелляция бериш муддати ўтгач, биринчи инстанция судининг қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.Хасанова

Аслига тўғри:

